



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ  
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ “ МИЛЛИЙ ҒОЯ , МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ  
ВА ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИ “ ЙУНАЛИШИ**

# **КУРС ИШИ**

**МАВЗУ: Инсон ҳаётининг маъноси. Инсон ҳаётида маънавиятнинг  
ўрни ва аҳамияти.**



**Бажарди: Шерзод Назаров**

**Текширди: Айхаджаева Г**

**Тошкент-2013**

# **МАВЗУ: Инсон ҳаётининг маъноси. Инсон ҳаётида маънавиятнинг ўрни ва аҳамияти.**

## **Режа:**

### **Кириш**

**I Боб:** Маънавият соҳасига назарий ёндошув ва унинг аҳамияти.

**1.1** Жаҳон илмида маънавият масалалари.

**1.2** Марказий Осиёда яратилган қадим ёзма адабиётларда маънавият масалалари.

**II Боб:** Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов асарларида маънавият масаласига янгича ёндошувнинг шаклланиши.

**2.1** Инсон ҳаётида маънавиятнинг ўрни ва аҳамияти.

**2.2** Алишер Навоий ижоди миллий маънавиятимиз қомуси сифатида.

### **Хулоса**

### **Фойдаланилган адабиётлар руйхати**

*«Маънавият - инсонни руҳан  
покланиш, қалбан улғайишига  
чорлайдиган, одамнинг ички дунёси,  
иродасини бақувват, иймон-  
эътиқодини бутун қиладиган,  
виждонини уйғотадиган беқиёс куч,  
унинг барча қарашларининг  
мезонидир».*

**И.А.Каримов.**

## **КИРИШ**

**Мавзунинг долзарблиги.** Фикр юритувчи ҳар бир инсон албатта ўз ҳаётининг маъно-мазмуни, моҳияти ҳақида бир кун эмас, бир кун ўйлаб қолади. Бу ёруғ дунёда яшашдан мақсад нима? деган саволни ўзига ўзи беради. Дарҳақиқат, инсон ҳаётининг маъноси борми, у нега яратилган ўзи?

Аллоҳ инсонни икки жаҳонда азизу мукаррам қилиб яратди. Бутун моддий оламни унга бўйсундирди. Инсон вужудидан мақсад эса унинг кўнгил кўзгусидир. Чунки бу кўзгу Борлиқ ҳақиқатини – Ҳақ жамолини ўзида акс эттириш қобилиятига эга. Бу табаррук гоё турли тарзда, турли кўриниш-ифодаларда кўпчилик улуғ алломаларимиз ижодида ўз аксини топган. Улар йўқ жойдан пайдо бўлмаган. Охирги ва бизгача мукаммал етиб келган илоҳий ваҳий бўлмиш Қуръони каримнинг «Нур» сураси 35-ояти “Аллоҳу нур ус-самовоти ва-л-арз” (Аллоҳ осмонлар ва ернинг “нуридир”) деб бошланади ва давомида «Аллоҳ ўзининг (бу) нурига ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур» (Йаҳди-л-лоҳу ли-нуриҳи ман йашау) деб таъкид этилади.<sup>1</sup>

Маълумки, инсон мукаммал мавжудот эмас. Вақти келса, у энг қутурган ҳайвондан бадтар ваҳшийлашиши ёки энг разил махлуқдан ҳам баттар тубанлашуви мумкин. Аммо Аллоҳ ҳикмати шундаки, бегуноҳ фаришталар эмас, айти Одам насли ер юзида халифа қилиб яратилган. Аллоҳ таоло Одам Атони яратишни ирода этар экан, фаришталарга “Мен ерда халифа яратмоқчиман,”-дейди (Бақара сураси, 30-оят)<sup>2</sup>. Қуръони каримда инсоннинг ер юзида халифа қилиб яратилганлиги ҳақидаги хабар яна қатор сураларда зикр этилади. “У сизларни ерда халифа қилиб қўйган зотдир”, - дейилади Фотир сураси 39-оятида. “Анъом” сураси 165-оятида, Юнус сураси 14-оятида, Сод сураси 26-оятида, Намл сураси 62-оятида, Нур сураси 55-оятида, Аъроф сураси 129-оятида ҳам шу мазмун ифодаланади. Шундай экан,

<sup>1</sup> Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Т., 2001.

<sup>2</sup> Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Т., 2001.

Нажмиддин Доя келтирган фикрлар миллий маънавий меросимиз учун тасодифий эмас, балки етакчи фикрдир. Маънавият ҳақида сўз юритганда биз, аввало, ана шу табаррук ҳақиқатни фаромуш этмаслигимиз керак.

Аждодларимиз меросида сурат ва маъно, мажоз ва ҳақиқат ҳақида сўз боради. “Сурат” ва “мажоз” тушунчалари бу ўринда фоний дунёни, жумладан, инсон вужудини, “маъно” ва “ҳақиқат” эса боқийликни, Борлиқнинг боқий моҳиятини ифодалаш учун ишлатилади. Демак, инсон маънавияти унинг бақога дахлдорлигини, ушбу фоний хилқатда акс этиши мумкин бўлган боқий ҳақиқатни, хуллас, фанода бақонинг намоён бўлишини англатади<sup>3</sup>.

**Мавзунинг мақсади:** Ҳар қандай ҳодисани назарий ўрганиш деганда унинг моҳиятини турли нисбатларда кўриб чиқиш назарда тутилади. Маънавият бақонинг фанода зуҳури бўлганлигидан яхлит ва беҳудуддир. Демак, унинг ўзга ҳодисаларга нисбатлари ҳам чексиз бўлиб, инсон илми чексизликни яхлит қамраб олиши мушкул. На илож, шу чексиз нисбатлар аро биз учун энг долзарб ва муҳимларини танлаб олишга тўғри келади. “Маънавият” тушунчасининг мазмуни, - деб ёзади И.Каримов, - фақат “маъни”, “маъно” деган сўзлар доирасида чегараланиб қолмайди”. Унинг фикрича, “инсонни инсон қиладиган, унинг онги ва руҳияти билан чамбарчас боғланган бу тушунча ҳар қайси одам, жамият, миллат ва халқ ҳаётида ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган алоҳида ўрин тутати”<sup>4</sup>.

Этиканинг ғоят муҳим тушунчаларига ҳаётнинг маъноси ва мазмуни, бахт-саодатдир. Ҳаётнинг маъноси деб онгли инсоннинг яшашдан кўзлаган мақсади, унинг умри, ҳаёт фаолиятининг умумий йуналишини англатувчи жараёнларга айтилади. Ҳаётнинг маъноси инсоннинг ўз олдига қўйган мақсади, ҳаётда кўзлаган манфаати ва белгилаган вазифаларида намоён бўлади. Инсон ҳаётининг маъноси — бу унинг ҳаётининг бутун бош йулидирки, кишининг конкрет мақсадлари ана шунга боғлиқ бўлади, Инсон фақат еб-ичиш, зурриёт қолдириш тирик эмас, меҳнат қилиш, жамиятда яшаш, ўзидан бошқа кишилар билан ижтимоий муносабатда бўлиш жараёнида у инсон сифатида шаклланади, ўсиб-унади, талант ва истеъдодларини намоён қилади. Рус шоири А. Блок: “Инсон ҳаётининг маъноси тиниб-тинчимаслик ва доимий ташвишдан иборатлигини тушунган одам калта фаҳмликдан қутулган бўлади”, — деган эди. Демак, инсон ҳаётининг маъноси дунёга келиб, униб-ўсиб, оила кўриб, фарзандларни тарбиялаб, ўзи, оиласи, Ватани, миллати, жамияти учун ижодий меҳнат қилиб, ўз умрини фаровон, гўзал, қизиқарли, мақсадга мувофиқ қилиб ўтказишдан иборат. Бинобарин, ҳаётнинг маъноси ейиш, ичиш, кийиниш,

<sup>3</sup> М. Имомназаров Миллий маънавиятимиз асослари Т-2006. Б.4-5

<sup>4</sup> Ислом Каримов «Юксак маънавият-енгилмас куч Т-2008

лаззатланишдан иборат бўлмай, балки буларга эришишлик учун яшаш, меҳнат қилиш, ижод қилишдан иборат. Ҳаётнинг мазмуни инсон ҳаётининг қандай кечганлигини ифодалайди. Инсон ҳаётининг мазмуни деганда инсоннинг жамият ҳаётидаги ўз ўрни ва аҳамиятини белгиловчи бутун фаолияти (аввалги, ҳозирги ва келажакдаги) асосий мазмун англаш даражаси ҳамда унинг намоён бўлиш даражаси тушунилади. Хуллас, ўз ҳаётини, унинг маъноси ва мазмуни мақсади, гўзал ва бахтли қилишга эришмоға лозим.<sup>5</sup> Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек: “Ҳар бир одам “Мен кимман ўзи. Бу дунёга нимага келдим? Дунёга келиб нима иш қилдим?”, — деб ўзидан сўрайди.

**Мавзунинг вазифаси:** Шу саволларга бемалол жавоб бермоқ учун у умри давомида савоб ишларни кўпроқ, қилмоғи, шошилмоғи керак". Инсон ҳаётининг олий мақсади бахт-саодатга эришишдир. Хўш, бахт нима? Оддий сўз билан айтганда бахт бу инсоннинг орзу-истаклари, мақсадларига етишиб яшашидир. Ёки бошқача қилиб айтганда, бахт, бахтлилик ҳар бир кишининг моддий ва маънавий эҳтиёжларининг қондирилганлиги, ўз мақсадлари, орзу-истакларининг рўёбга чиққанлиги, ҳаётдан, ўз хатти-ҳаракатларидан маънавий қониқиш оқибатида ҳосил бўладиган олий неъматдир. Бахт тушунчаси хилма-хилдир. Ватан бахти, шахс бахти, меҳнат бахти, ёр бахти, оила бахти, фарзанд бахти, қарилик бахти ва бошқалар. Лекин буларнинг ҳаммаси, инсон бахти, унинг фаровон, тўқ, соғлом оила ва фарзандли бўлиб, узоқ умр кўриши кабиларда кўринади. Қадимда бир донишманддан "Одамни нима бахтли қилади, бойликми ёки шон-шухратми?" — деб сўрабдилар. "Бойлик ҳам, шон-шухрат ҳам одамни бахтли қила олмайди. Тан-жони соғ гадо ҳар қандай бой одамдан бахтлироқдир" — деб жавоб берибди донишманд. Инсоннинг бахтли бўлишида сиҳат-саломатлик билан бирга ёшликдан яхши, аъло ўқиш, касб-хунар эгаллаш, ижтимоий фойдали меҳнат қилиш, оилали, уйли-жойли, фарзандли бўлишга, жамоа ва жамиятда обрўга эга бўлиш ва ҳоказо шартларнинг аҳамияти катта. Жумладан, Президентимиз И.А. Каримов айтганидек: "Фарзанд кўриб, ота бўлиш, она бўлиш бахтдир". Айни пайтда ҳамма нарсаси бўла туриб, обрўси бўлмаган инсон дунёда энг бахтсиздир. Демак, бахт деб инсон эга бўлиши лозим бўлган соғлом, ўз ҳаётининг беками-кўстлиги, маънавияти, ахлоқли, обрў-эътиборли, барқарор, хушчакчақ, боқий умр кечиришига айтилади. Инсонга бахт ўз-ўзидан келмайди, ғойибдан келадиган бахт йўқ. Бахтни совға қилиб бўлмайди. Ҳар бир инсон ўз бахтини ҳалол меҳнати, тинч-тотув яшаши, касбкор, илм-фан, техника ютуқларини эгаллаши билан топади. Демак, бахт-инсонлар орасидан муносиб ўрин топиш, ўзининг ҳалол меҳнати, ўзгаларнинг юкини енгил қилиш, она халқи орасида номи ардоқ билан тилга олиниши, эл фаровонлиги учун қўшган ҳиссаси,

---

<sup>5</sup>Абдуллашёр «Ахлоқшунослик»

келажак авлодларга қолдира олган тухфасидир<sup>6</sup>.

Биз одатда маънавият ҳақида, унинг маъно-мазмуни, ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида кўп гапирамиз. Лекин негадир аксарият ҳолларда кўпчилик маънавият ўзи нима, деган саволга аниқ ва лўнда жавоб беришга қийналади. Мен бундай ҳолатга ўз шахсий тажрибамда кўп бор гувоҳ бўлганман. Масъул раҳбарлик лавозимларига номзодларни танлашда ўтказиладиган суҳбат жараёнида уларнинг профессионал малакаси, билими, ташкилотчилиги, ҳаётий тажрибаси, инсоний фазилатлари билан бир қаторда маънавий савиясига ҳам алоҳида эътибор қаратаман. Ва кўп ҳолларда, маънавият ҳақида бериладиган саволларга ҳар хил, баъзан эса бир-бирига қарама-қарши, қандайдир ноаниқ, саёз жавобларни ҳам эшитишга тўғри келади.

Албатта, «маънавият» тушунчасининг илмий, фалсафий, адабий ёки оддий тилда ифодаланадиган кўплаб таърифларини келтириш мумкин. Умуман, ўзида жуда чуқур ва кенг қамровли маъно-мазмунни мужассам этган бу тушунчага ҳар қайси маърифатли инсон ўзининг фалсафий ёндашуви, сиёсий қарашлари ва эътиқоди, онгу тафаккурдан келиб чиққан ҳолда турлича таъриф ва тавсифлар бериши табиий. Шунинг учун ҳам бу масала бўйича илмий адабиётларда, кундалик матбуотда бир-биридан фарқ қиладиган фикр-мулоҳазаларни учратганда бундан таажжубланмасдан, уларни ҳар қайси муаллифнинг ўзига хос дунёқараши, мушоҳада тарзи ифодаси сифатида қабул қилиш ўринлидир<sup>7</sup>.

---

<sup>6</sup> Абдуллашар «Ахлоқшунослик»

<sup>7</sup> Ислом Каримов «Юксак маънавият-енгилмас куч Т-2008

## **I Боб:       Маънавият соҳасига назарий ёндошув ва унинг аҳамияти.**

Баъзан савол бўлиб қолади: “Маънавият илми?” Йўқ, маънавият илм эмас, балки инсон ва жамият ҳаётининг бир соҳаси. Илм ўзи нима? Бугунги ўзбек тилида “илм” сўзи камида икки маънони билдиради: 1) амалий билимлар мажмуи, яъни инсоннинг ҳаёт ҳақида ҳосил қилган ҳар қандай билимлари (русча - “знание”), 2) назарий билимлар мажмуи, яъни бирор соҳа бўйича ёки турли соҳалар бўйича инсоният яратган назарий билимлар тизими (русча – “наука”). Биринчи маънодан фарқ қилиш учун иккинчисини “илм-фан” деб атасак иш ойдинлашади. Ҳар икки маънода ҳам илмнинг маънавиятга алоқаси йўқ эмас, биринчи маънода илм (билим) шахс маънавиятининг таркибий жиҳати ҳисобланади, иккинчи маънода маданиятнинг таркибий қисми сифатида маънавиятнинг моддий воқеликдаги излари шаклида ўзлигини намоён қилади.

“Маънавият” ҳодисаси асл мазмунига кўра ҳақиқий маънодаги “илм” ҳодисасини ҳам ўз ичига қамраб олади, аммо фақат ундан иборат эмас, аммо “Маънавият асослари” ёки моҳиятан олганда “маънавият назарияси” бу энди илмнинг (“наука” маъносида) янги бир тармоғи бўлиб, бугунги кунда мустақил Ўзбекистонда алоҳида фан сифатида шаклланиб бормоқда. 2001-2002 ўқув йилида “Миллий истиқлол ғояси: ҳуқуқ ва маънавият асослари”(2010-2011 ўқув йилидан “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” деб аталди) йўналишида (бакалавриат даражасида), магистратурада эса алоҳида “Маънавият асослари” йўналиши сифатида кадрлар тайёрлашнинг йўлга қўйилиши билан энди фаннинг бу соҳаси тармоқланиб, “Маънавиятнинг ривожланиш тарихи”, “Маънавиятнинг илмий асослари”, “Маънавиятнинг диний асослари”, “Ахлоқнинг маънавий асослари”, “Маънавият тизимида санъат” (ёки “Санъатнинг маънавий асослари”), “Ислом маънавияти”, “Марказий Осиё (халқлари) маънавияти” каби турли йўналишлари, қисмлари ҳар бири алоҳида ўз қиёфасига эга бўлиб бормоқда. Ҳозирча булар ичида бирмунча мукамал шаклланганлари 1) “Маънавият асослари” (ёки “Маънавият назарияси”), 2) “Маънавиятнинг ривожланиш тарихи” ва 3) “Миллий мустақиллик ва маънавият” (ёки “Мустақил Ўзбекистонда халқ маънавиятини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари”) фанлари бўлиб, ушбу курсда уларнинг биринчиси ҳақида гап боради.<sup>8</sup>

Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг ҳар бир нутқи, маърузаси, алоҳида асарларида маънавият масалаларига махсус эътибор қаратиши бежиз эмас. Унинг бу соҳага бағишланган асарларида билдирилган назарий фикр

<sup>8</sup> М.Имомназаров, М.Лапасов, М.Собирова МАЪНАВИЯТШУНОСЛИК (Теория и история национальной духовности) Тошкент - 2012

ва хулосалар юртимизда маънавий назариясига оид алоҳида фан йўналишининг шаклланишига катта таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, “Юксак маънавий – енгилмас куч” асари бу соҳанинг мустаҳкам оёққа туришида катта аҳамиятга эга бўлди.

Мустақиллик йилларида, биринчи навбатда, Президенти И.А. Каримовнинг ташаббуси туфайли, бу мавзуга Ўзбекистон ижтимоий фан вакилларининг эътибори ҳам кучайди. Қатор рисоалар, ўқув қўлланма ва дастурлар чоп этилди<sup>9</sup>. Матбуотда кун сайин бу мавзуда катта-кичик мақолалар эълон этилмоқда. Ушбу китоб ва мақолаларда ҳар ким ақли етганича маънавий тушунчасига таъриф беришга, ҳеч бўлмаганда, муносабат билдиришга уриниб келмоқда. Баъзан бир кишининг ўзи бир мақоланинг ичида турли таърифларни келтирган ҳолатлар ҳам учрайди. Маънавий ниҳоятда кенг қамровли тушунча бўлганлигидан бунга ҳайрон бўлмаса ҳам бўлади. Ундан ташқари келтирилган таърифларни барчасини дабдурустдан бекорга чиқариш, буткул нотўғри деб баҳолаш ҳам инсофдан эмас, чунки уларнинг кўпчилигида масаланинг қайсидир қирраси ўз аксини топган бўлиши мумкин.

Аммо, бир аччиқ ҳақиқатни тан олиш керак, ҳанузгача кўпчилик илм аҳли масалага жиддий ёндошишга, илгари назарий тизим даражасида кўриб чиқилмаган инсон ва жамият ҳаётидаги муҳим йўналиш, ҳассос бир соҳага камоли эътибор билан разм солишга муваффақ бўла олмаётирлар. Сабаби, кўпчилик ижтимоий фан вакиллари ҳануз 70 йил давомида онгларига сингдирилган бегона назариялар, асоссиз методологик қолиплардан халос бўлишлари қийин кечаётир. Яна бир сабаб - уларнинг кўпчилиги ўз вақтида аждодлар маънавий меросидан бенасиб қолдирилганликлари туфайли бугунги кунда ҳам миллий маънавиятимиз моҳиятини тўғри англаб етиш имконини топа олмаётирлар. Фақат бу эмас. Инсон руҳида шундай ожизлик ҳам бор-ки, назарида осон йўл турганда, қийинроқ, машаққатлироқ йўлни танлашга эринади. Унинг устига тирикчилик ташвишлари, кундалик майда-чуйда юмушлар. Хуллас, жиддий назарий тадқиқотга на фурсат бор, на билим, на ҳавсала. Натижада, топшириқни қандай қилиб бўлса ҳам тезлик билан бажариш зарурияти устун келиб назарий жиҳатдан ниҳоятда нўноқ ва чуқур мулоҳаза қилиб кўрилмаган таърифлар қоғоз юзига туша беради, муаллиф ўзи яхши англаб етмаган мавзуда дадил китоблар ёзиб нашрга топшира беради. Баъзи мисоллар келтирамиз: “Маънавий – бу кишининг эгаллаган фойдали билимлари амалий ҳаётда синалавериби, кўникма ва

---

<sup>9</sup> Э. Юсупов. Инсон камолотининг маънавий асослари. Т., “Университет”, 1998, 184 сах.; С.Отамуратов, Ж. Раматов, С.Хусанов. Маънавий асослари (Маърузалар матни). Т. 2000, 228 сах.; Б. Зиёмуҳаммадов, С. Зиямуҳаммедова, С. Қодирова. Маънавий асослари. Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2000, 192 сах.

малака даражаларидан ўтган ва руҳига сингиб, ҳаёт тарзида акс этадиган ижобий ижтимоий сифатлар мажмуидир.” Иккинчи бир китобда шундай таъриф келтирилади: “Маънавият кўпроқ инсоннинг ички, ботиний, яширин дунёсини акс эттиришдир....маънавият – инсоннинг руҳиятини, унинг ўз-ўзини англаши, диди, фаросати, адолат билан разилликни, яхшилик билан ёмонликни, гўзаллик билан хунукликни, вазминлик билан жоҳилликни ажрата билиш қобилиятини, ақл-заковатини, юксак мақсад ва ғояларни қўя билиш, уларни амалга ошириш учун ҳаракат қилиш ва интилиш салоҳиятидир...”<sup>10</sup> Яна бир алломаимиз шундай деб ёзган эдилар: «Маънавият моддий ҳаётни акс эттиради ва жамиятда мавжуд бўлган маънавий ҳодисалар йиғиндиси сифатида кўзга ташланади.»<sup>11</sup> Бу таърифларда, биринчидан, маънавият яхлит ва мустақил ҳодиса эмас, балки “ижтимоий сифатлар мажмуи”, “маънавий ҳодисалар йиғиндиси” сифатида талқин қилинмоқда. Иккинчидан, Президент И.А.Каримов таърифларида ифодаланган “ботиний куч”, “инсоннинг, халқнинг куч-қудрати” ўрнига бизга гоҳ “инсоннинг ички, ботиний, яширин дунёсини”, гоҳ “моддий ҳаётни” акс эттирувчи қандайдир пассив “кўзгу” рўпара қилинмоқда. Ўта чўзилиб кетган иккинчи таърифда эса мантиқ уёқда турсин, жумла тузишнинг оддий мактаб ўқувчиларидан талаб қилинадиган грамматик қоидаларига ҳам риоя қилинмаган<sup>12</sup>. Албатта, ушбу ўқув қўлланма доирасида маънавият хусусида билдирилаётган юқоридаги сингари барча айқаш-уйқаш фикр-мулоҳазаларни батафсил таҳлил этиш имкони йўқ. Аммо бундай “таърифлар” келтирилган китоблар талабаларга “ўқув қўлланма” сифатида тавсия қилинаётгани ва олий ўқув юртларида шулар асосида дарслар ўтиллаётгани назарда тутилса, вазиятнинг қанчалик жиддий эканлиги маълум бўлади. Бир жумла билан бундай “асар”ларнинг кўпчилигида учрайдиган умумий камчиликни ифодалайдиган бўлсак, уни янги воқеликка оид тушунчаларни эски андазалар қолипида талқин этишга уриниш дейиш мумкин. Масалан, охирги мисолдаги қарашнинг эскичалиги шундаки, муаллиф «Маънавият моддий ҳаётни акс эттиради» деб, яна моддиятни бирламчи, маънавиятни эса пассив (кўзгу сингари), иккиламчи ҳодиса сифатида талқин этмоқда<sup>13</sup>. Шу билан маънавият

<sup>10</sup> С.Отамуратов, Ж.Раматов, С.Хусанов. Маънавият асослари (Маърузалар матни). Т. 2000, б.30.

<sup>11</sup> Э.Юсупов. Инсон камолотининг маънавий асослари. Т.-«Университет»-1998, б. 5.

<sup>12</sup> Сўзимизнинг исботи учун жумлани соддалаштириб кўрамиз: “... маънавият – инсоннинг руҳиятини, ... қобилиятини, ақл-заковатини, ... ҳаракат қилиш ва интилиш салоҳиятидир.”

<sup>13</sup> Аслида бундай таъриф марксистик назариядаги “материя” ва “онг” нисбатининг бошқача атамалар билан ифодаланиши дейиш ҳам мумкин. Ҳар ҳолда собиқ шўролар давридаги “материалистик” ақидани онгига пухта “жойлаб олган” бизнинг “файласуфларимиз” хануз “материя –бирламчи, онг – иккиламчи” деган акидадан қайтган эмас, шу сабабли улар “маънавият” деганда шўро олимлари ишлаб чиққан “материалистик” маданиятшунослик назариясига хос “маънавий маданият” (духовная культура) атамаси билан қамраб олиннадиган ҳодисалар тизимини тасаввур қиладилар. М.Имомназаров, М.Лапасов, М.Собирова МАЪНАВИЯТШУНОСЛИК (Теория и история национальной духовности) Тошкент - 2012

ходисасининг мустақил моҳияти инкор этилиб, у моддиятга тўлиқ тобе қилиб қўйилади. Бунинг оқибатида маънавиятга яратувчилик қувватига эга бўлган алоҳида куч деб қараш имкони кесилади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу соҳада жиддий назарий тадқиқотлар ўтказмасдан туриб, ола-тасир ўқув қўлланмалар ёзиб ташлаш амалиёти талабалар онгида “маънавият нима?” деган саволга тайинли жавоб шаклланишига тўсқинлик қилмоқда. Жиддий назарий тадқиқотлар ўтказиш учун эса, аввало, аждодларимиз яратган миллий маънавий меросимизни яхши биладиган олимлар жамоасини тузиш керак бўлади.

Бугун биз инсонни биринчи ўринга қўйиб, унинг яратувчилик фазилати, ижтимоий фаоллиги, маънавий қудратига урғу бермоқдамиз. Чунки Ўзбекистоннинг буюк келажагини шакллантирувчи бош омиллар – шулар. Аммо юқоридаги каби таърифларда инсон моддий борлиқнинг бир унсури сифатидагина эътироф этилиб, бошқа махлуқотлардан фарқли мустақил моҳияти сояда қолиб кетмоқда. Инсоннинг моҳияти аслида мураккаб бўлиб, айна моддият ва маънавиятнинг туташуви билан изоҳланади. Уларнинг қайбири иккинчиси орқали таърифлана бошласа, инсон моҳияти ҳақида бирёқлама тасаввур ҳосил бўла беради.

## **1.1 Жаҳон илмида маънавият масалалари**

Жаҳон илмида маънавият масалалари илгари асло кўтарилмаган десак, тўғри бўлмайди. Масалан, 1989 йилда Москвада “Наука” нашриётида “Происхождение духовности” деган қалингина китоб босилиб чиққан. Унинг сўз бошисида шундай жумла келтирилади: “Среди многообразных видов человеческой деятельности В.Г.Афанасьев, следуя К.Марксу, выделяет три основные группы: материальную (производственную), социально-политическую и духовную.”<sup>14</sup> Таниқли марксист-файласуфлардан ҳисобланган В.Г.Афанасьевнинг 1977 йилда Москвадаги “Политиздат” нашриёти чиқарган “Человек в управлении обществом” китобида шундай жумла бор экан. Аслида “маънавият” сўзи Шўролар даври луғатларида кўп учрамайди. Кўпроқ маданиятшунослик фанида “моддий маданият” ва “маънавий маданият” (“материальная” и “духовная” культура) деган тушунчалар қабул қилинган эди. Юқорида номи тилга олинган китобда “духовность” тушунчаси “душа” сўзи билан боғлиқликда олиниб, унинг материалистик талқинига урғу берилган.

Китобда инсоннинг асосий (таянч) эҳтиёжлари (“базисные потребности”) уч қисмга (соҳага) ажратилади: 1.Инсоннинг моддий ҳаётини таъминлаш (сақлаб қолиш ва давом эттириш) учун зарур бўлган (“витальные” – ҳаётий, биологик) эҳтиёжлар, яъни унинг таомга, сувга, уйкуга, иссиқ-совуқдан, турли хавф-хатарлардан сақланишга бўлган эҳтиёжлари. 2. Инсоннинг тор маънодаги ижтимоий эҳтиёжлари, яъни муайян бир ижтимоий гуруҳга тааллуқли бўлиш, ушбу гуруҳда муайян ўрин эгаллаш, ўзгалар наздида қадрланиш, ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиш кабилар. 3. Идеал (маърифий) эҳтиёжлар (идеальные (познавательные) потребности) – ҳаётнинг маъноси ва мақсадини, борликда ўз ўрнини англаб етиш эҳтиёжи<sup>15</sup>.

Китобнинг асосий муаллифларидан бири академик П.В.Симонов асл мутахассислиги тиббиёт олими бўлиб, маънавиятнинг келиб чиқишини аниқлаш мақсадида каламушлар, итлар ва маймунлар устида турли тажрибалар ўтказиб, улар фаолиятида атроф-муҳитни тушунишга интилиш ва альтруизм унсурлари мавжудлигини исботлашга уринади.<sup>16</sup> Яна бир муаллиф – тарих фанлари номзоди Ю.П.Вяземский эса ўз ёзувчилик маҳоратини ишга солиб, маънавиятнинг тарихий ривожини кузатмоқчи бўлади, аммо қадим Миср ва Юнонда маънавиятнинг шаклланиши ҳақидаги енгил-елпи мулоҳазалар, айниқса, уларни бадийлаштириб тасвирлашга

---

<sup>14</sup> «Маънавиятнинг пайдо бўлиши» М., “Наука”, 1989. б. 3.

<sup>15</sup> «Маънавиятнинг пайдо бўлиши» б. 10-12

<sup>16</sup> «Маънавиятнинг пайдо бўлиши»

уриниш ишонарли хулосаларга олиб келган, дейиш қийин.<sup>17</sup> Назаримизда, учинчи муаллиф – П.М.Ершовнинг “Санъатдаги маънавият”га бағишланган тадқиқоти жиддийроқ ва эътиборга сазоворроқ чиққан, чунки санъат ҳаётни яхлит акс эттириши билан инсон маънавиятини ҳам мукамалроқ ифодалаш имконига эга.

Агар илгари маънавиятга оид масалалар кўпроқ ахлоқшунослик (этика), илоҳиёт (теология), маданиятшунослик (культурология), фалсафа (философия), руҳшунослик (психология) фанлари доирасида олиб қаралган бўлса, эндиликда (XX аср охири – XXI аср бошларига келиб) бевосита маънавиятнинг назарий масалалари жаҳон афкор оммаси диққатини борган сари кўпроқ ўзига жалб қилмоқда. Масалан, интернетда "spirituality" мавзусига оид китоблар рўйхати 552 саҳифада 5517 номда берилганлиги қайд этилган.<sup>18</sup> Агар фақат рус тилидаги материалларга эътибор берадиган бўлсак, мисол сифатида И.И. Лещукнинг “Лабиринты духовности” асари, А.Гудзенконинг 2006 йилда Москвада нашр этилган 504 саҳифалик “Русская духовность” китобини, 2007 йилда «Диля» нашриёти томонидан Москва - Санкт-Петербургда чоп этилган “Основы духовности” китобларини тилга олиб ўтиш мумкин. И.И. Лещукнинг “Лабиринты духовности” китоби христиан дини нуқтаи назаридан маънавиятга оид турли диний-мистик қарашларнинг танқидий таҳлилига бағишланган бўлиб, унда, жумладан, христиан дини доирасидаги турли хурофий оқим ва фиркалар ҳам кескин танқид остига олинган. А.Гудзенконинг асари<sup>19</sup> рус миллати учун ўта долзаб мавзуга бағишланган бўлиб, бу китоб рус маънавияти, унинг ўзига хос жиҳатлари, рус миллий ғояси ҳақида бадиий-публицистик руҳда яратилган. Китоб аннотациясида айтилишича, унда “муаллиф рус миллатидан бўлган ва рус миллатидан бўлмаган, таниқли ва ё унчалик таниқли бўлмаган инсонларнинг ўзлари яшаган даврларида юз берган воқеа-ҳодисалар ёки улар ўзларини мутахассис деб ҳисоблайдиган соҳаларига оид муайян ҳодиса ва тушунчалар ҳақидаги мулоҳазаларини қисқача матний таҳлил қилиш орқали ер куррасида шаклланаётган янгича умумпланетар инсоният жамоаси шароитида Россия давлати ва рус халқи эришган маданий, илмий, ижтимоий ютуқларнинг дунё тамаддунига таъсирини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашда рус маънавиятининг воқеий имкониятлари қандай эканлигини аниқлаш мақсадини ўз олдида қўйган”. Тилга олинган учинчи китоб асосан Россия мусулмонлари учун мўлжалланган бўлиб, муқовада китоб мавзуси “Имом ал-Ғаззолий дарслари. Маънавият асослари: Ўзликни англаш. Аллоҳни англаш.

<sup>17</sup> «Маънавиятнинг пайдо булиши» б. 23-38.

<sup>18</sup> Китоб матни интернетда тўлиқ келтирилган бўлиб (150 саҳифа) нашр кўрсаткичлари келтирилмаган.

<sup>19</sup> А.Гудзенко.Рус маънавияти. М., АИФ-Принт, 2006, 504 б.

Бу дунёни англаш. Охиратни англаш”<sup>20</sup> деб келтирилган. Китоб мазмунидан маълум бўладики, бу қўлланма Имом ал-Ғаззолийнинг “Кимиёи саодат” асарининг муқаддима қисмидан олинган иқтибослар асосида тузилган. Булардан ташқари жаҳон миқёсидаги маънавиятга оид яна бир йирик йўналиш улуғ рус рассоми ва файласуфи Николай Константинович Рерих ва унинг оила аъзолари (хотини Елена Рерих, ўғиллари Юрий ва Святослав Рерихлар) томонидан XX аср биринчи ярмида шакллантирилган ва тарғиб этилган “Живая этика” (Агни йога) деб номланувчи таълимот бўлиб, бугунги кунда бу таълимот мухлислари жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари, жумладан, Россия, АҚШ, Ҳиндистон, Германия ва бошқа жойларда фаол ҳаракат олиб бормоқдалар. “Рерихларнинг дунёвий маънавияти” (Светская духовность Рерихов) деб ном олган ушбу ҳаракат Россияда христиан православ черковининг баъзи намояндалари томонидан қаттиқ қоралангани туфайли ҳозирда маънавиятнинг диний ва дунёвий талқини намояндалари орасида кескин баҳслар ва ўзаро айбловлар авж олиб кетган. Рерихчилар ташаббуси билан бу соҳада Россияда амалга оширилган кўзга кўринарли ишлардан бири 2003 йилда “Кайҳоний”<sup>21</sup> дунёқараш – XXI асрнинг янгича тафаккури” (Космическое мировоззрение – новое мышление XXI века) мавзуида ўтказилган халқаро илмий-ижтимоий анжуман бўлиб, унда Россия ва жаҳоннинг кўзга кўринган қатор олимлари иштирок этдилар ва бу анжуман материаллари 2004 йилда Москвада “Рерихлар халқаро маркази” (Международный Центр Рерихов) томонидан 3 жилдда нашр этилди. Ушбу анжуман доирасида XIX аср охири – XX аср биринчи ярмида Россияда яшаб ижод этган буюк алломалар - К.Э.Циолковский, В.И.Вернадский, А.Л.Чижевский, П.А.Флоренский, В.С.Соловьев, Н.А.Бердяев, С.Н.Булгаков, Н. Ф. Федоров кабиларнинг маънавият масалаларини назарий ўрганишга доир фаолиятлари хусусида маърузалар қилингани диққатга сазовордир.

## **1.2 Марказий Осиёда яратилган қадим ёзма адабиётларда маънавият масалалари**

Демак, маънавият инсоннинг инсонийлик моҳиятини белгиловчи ўзак томири, инсонни мустақил шахс сифатида қиёфаланишининг бош манбаи десак, янглишмас эканмиз. Миллат маънавияти эса ўтмишда, бугун ва келажакдаги ушбу миллатга алоқадор барча шахслар маънавиятининг мажмуидан иборат, дейиш мумкин. Шу билан бирга аجدодларимиз яна қайси манбани ўз маънавиятларини шакллантиришга асос қилиб олган бўлсалар,

---

<sup>20</sup> Имом ал- Ғаззолий дарслари. «Маънавият таркиби.» Узини билиш. Оллохни билиш. Бу дунёни билиш. Охиратни билиш. Москва - Санкт-Петербург, «Диля», 2007, 184 б.

<sup>21</sup> “Кайҳоний”, яъни умумқоинот миқёсидаги

ўша манбалар ҳам миллат маънавиятига бевосита алоқадор бўлиб қолади. Масалан, халқимиз 1300 йил илгари ислом динини қабул қилган бўлса, демак, бу эътиқоднинг асос манбалари бўлмиш Қуръони карим ва Ҳадиси шарифларсиз миллий маънавиятимизни тасаввур қилиб бўлмайди. Имоми Аъзам, Имом Ғаззолий, Ибн ал-Арабийнинг маънавий мероси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Аслида миллий маънавият назариясини яратиш учун қайси манбаларга таяниш, унинг асосларини қаерлардан қидириш кераклиги Президент асарларида аввалбошиданок аниқ кўрсатиб берилган эди ва янги китобда яна бирма-бир санаб чиқилган. Бу манбалардан энг биринчи ва асосийси буюк аجدодларимиз меросидир.<sup>22</sup> Буюк аجدодларимиз бизга қолдирган улкан мерос – миллий маънавиятимиз назариясини шакллантириш учун бутун керакли унсур ва таркибларни яратиб қўйипти, фақат уни холис назар билан астойдил қидирсак, кифоя. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мунтазам давом этиб келаётган қутлуғ анъана – улуғ боболаримиз, дунёга донг таратган, жаҳон жамоатчилиги аллақачон ўз муқаддас мулки деб тан олган маънавий мерос соҳибларининг юбилейларини мамлакат ва жаҳон миқёсида нишонлаш ҳақидаги фармонлар ва уларнинг ижроси айни шу масала – миллий маънавиятимиз сарчашмаларига бутун халқимиз ва, биринчи навбатда, ёш авлод эътиборини жалб этиш мақсадини кўзда тутди.

Демак, миллий маънавият назариясини биз қандайдир ўзга юртларда яратилган фалсафий қарашлардан, собиқ Шўролар даврида бизга тикиштирилган уйдирма мафкуралардан келтириб чиқаришга уринмай, ўз халқимиз ва миллатимизнинг азалий қадриятларига мурожаат қилганимиз мақсадга мувофиқдир. Фақат юқорида тилга олинган методологик ёндошувни, яъни улуғ аجدодларимиз асос қилиб олган илм ва имон бирлиги, нақлий ва ақлий билимлар уйғунлиги тамойилини назардан қочирмасак бўлди.

«Авесто»да борлиқнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, инсон ҳаётининг табиат билан уйғунлиги масаласи одамнинг руҳий оламига чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрсатилгани кўп нарсани англатади. Бу ҳолат инсоннинг маънавий дунёсини шакллантиришда атроф-муҳит қадим замонлардан буён қандай кучли таъсир ўтказиб келганига яна бир бор эътиборимизни жалб қилади.<sup>23</sup>

Юртимиздаги бизга маълум илк шаклланган яхлит маънавият тизими

---

<sup>22</sup> М.Имомназаров, М.Лапасов, М.Собирова «МАЪНАВИЯТШУНОСЛИК» (Теория и история национальной духовности) Тошкент - 2012

<sup>23</sup> Зардўшт таълимотининг бундай яхлит мушриклик тизими сифатида муайян сиёсий-ижтимоий ва тарихий сабабларга кўра бизнинг ўлкаларда эмас, балки ҳозирги Эрон ҳудудида Сосонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида узил-кесил шаклланганлигига ишора қилувчи анча-мунча тарихий далиллар мавжуд.

“Авесто” китобида ўз аксини топган. Аммо давр асотир тафаккур даври эди. Шу сабабли бу китобда баён этилган маънавий қадриятлар тизими кейинчалик мушриклик ақидалари билан чалкашиб кетди. Масалан, Зардушт гоҳларида тилга олинган 7 амшосипандлар моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, қадим авесто тилида Спинта Майнью (Сипанд Мийну) - “тафаккур олами”, Ашаҳ Ваҳишта (Ардабехешт) – “гўзал ҳақиқат”, “мукаммал низом”, Вухувмана (Баҳман)– “эзгу ният”, Спинта Ормаитий (Испандормаз) - “комил ақл”, Зашра Вайраяҳ (Шаҳриёр)– “умид дунёси”, Амирмитота (Амурдод) – “умрбоқийлик”, “абадият”, Хавраватот (Хўрдод) – “комиллик”, “тўғрилик” маъноларини англатиб келган. Кейинчалик қоҳинлар талқинида буларнинг ҳарбири илоҳий хилқат сифатида тасаввур қилиниб, уларга сиғиниш қоидага айланган, яъни Зардушт даъватидаги ягона Парвардигор - Ахура Мазда(илоҳий билим эгаси, маъносида)га эътиқод қилиш ўрнига юқоридаги каби маънавий қадриятларни илоҳлар, яъни сиғиниш объектларига айлантириш ҳолати юз берган.<sup>24</sup>

Ислом дини бу соҳада масалани ойдинлаштирди. Қуръони каримнинг нозил бўлиши билан умумбашарий миқёсда узил-кесил асотир тафаккурдан илмий тафаккурга ўтишнинг эътиқодий асослари мукаммал тус олди. Сунна шакллангач, маънавиятга оид фанларнинг умумметодологик асоси - нақлий ва ақлий билимлар уйғунлиги мустаҳкам пойдеворга эга бўлди. Аста-секин маънавиятнинг илмий назариясини яратиш ҳаракати бошланди.

Имом Ғаззолий ҳар соҳада бақувват олим бўлиб етишди. У ўз даврининг етакчи мутакаллим, файласуфи, фақиҳи эди, бу фанлардан мадрасада дарс берди, улуғ асарлар яратди. Аммо ўзининг бу ишларидан қониқмади. Охири мадрасани ташлаб, узлатга чекинди, хонақоҳда суфийлар ирфонини ўзлаштиришга киришди. Ва ниҳоят 10 йил ўтиб, ўз тажрибалари асосида 40 китобдан иборат “Иҳёи улум ад-дин” (Диний илмларнинг қайта тирилиши) асарини ёзди. Бу китобда баён қилинган илмни аллома “муомала илми” деб атади. Моҳиятан Ғаззолий тилга олган “муомала” - инсоннинг Борлиқ ҳақиқати билан муомаласи, яъни ўз даври учун бугунги тилимиздаги маънавият илми эди. Китоб араб тилида ёзилган. Кейинчалик аллома ўз китобини форс тилида соддароқ ва қисқароқ баёнини яратиб, уни “Кимийи саодат” (Бахт-саодатга эришиш кимёси) деб атади. Ана шу китобнинг муқаддимасида маънавиятни талқин этишда мутлақо янгича ёндошув таклиф этилади. “Кўнгил – подшоҳ, ақл - вазир” деб эълон қилади Ғаззолий ва айни кўнгилни поклаш масаласини биринчи ўринга олиб чиқади. Кўнгил покланса, ундан бевосита “олами малакутга”(яъни фаришталар оламига) равзана

---

<sup>24</sup>М.Имомназаров, М.Лапасов, М.Собирова «МАЪНАВИЯТШУНОСЛИК» (Теория и история национальной духовности) Тошкент – 2012. 52 б.

(дарча) очилади, дейди аллома. Яъни, унинг фикрича, илми ладуний(ғайб илми)га кўнгилни поклаш орқалигина эришиш мумкин. Аслида суфийлар олға сурган “ишқи илоҳий”нинг ҳам моҳияти айна шу кўнгил кўзгусига сайқал бериш жараёни билан боғлиқдир.

Имом Ғаззолий ва барча тасаввуф пири муршидлари “илоҳий ишқ”қа жуда катта эътибор берадилар, уни “ишқи ҳақиқий” деб ҳисоблайдилар. Совет даврида бу тушунча мутлақо жоҳилона талқин қилинди, бундай даҳриёна талқин оқибатлари ҳануз кўпчилик зиёлиларимиз онгини тўлиқ тарк этгани йўқ. “Ишқи ҳақиқий” ва “ишқи мажозий” нисбатининг бадий таҳлили Санойӣ, Анварий, Хусрав Дехлавий, Саъдий, Ҳофиз, Лутфий каби минтақа мумтоз адабиётининг улкан намояндалари ижодида бошланиб, Алишер Навоӣ асарларида мукаммал назарий ифодасини топди. Навоӣ “авом ишқи” ва “хос ишқ”нинг ўзаро фарқини аниқ кўрсатиб бергач, масала ечилди. Ҳадисда айтилган “Мажоз ҳақиқатнинг кўпригидир” деган ҳикматнинг чуқур маъноси ойдинлашди. Шундай қилиб. Алишер Навоӣ ижоди миллий маънавиятимизнинг ҳам назарий, ҳам амалий мукаммал шаклланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.<sup>25</sup>

Халқ маънавиятини, миллат маънавиятини сунъий равишда, қандайдир ўйлаб топилган ақидаларга, догмаларга таяниб, юзага келтириб ҳам, кескин ўзгартириб ҳам бўлмайди. Чунки маънавият тушунчасининг мазмуни бир кунда, бир йилда, ҳатто бир асрда шаклланадиган нарса эмас, у ҳар бир халқнинг жуда узоқ тарихи қаъридан озиқ олиб, теранлик касб этиб келади. Ислом Каримов халқ маънавиятини юксалтириш деганда нимани кўзда тутганлигини ҳали мустақилликка эришмасимиздан - 1990 йили Ўзбекистон Президенти сифатидаги биринчи нутқидаёқ очик-ойдин баён этган эди. Президент ушбу маърузасида инсон руҳиятининг нозик ва мураккаб томонлари билан, “ҳазиналарга тўла миллий-тарихий анъаналар билан, умуминсоний маънавий бойликлар билан ҳисоблашмаслик” яқин ўтмишимизда жамиятга қанчалар зарар келтирганлигини қайд этиб, янгича вазифаларни олға сурган эди:

“Биринчи навбатда миллий маданиятимиз, халқ маънавий бойлигининг илдизларига эътибор бериш лозим. Бу хазина асрлар давомида мисқоллаб тўпланган. Тарихнинг не-не синовларидан ўтган. Инсонларга оғир дамда мадад бўлган. Бизнинг вазифамиз - шу хазинани кўз қорачиғимиздек асраш ва янада бойитиш, сўзда эмас, амалда ҳар бир кишининг виждон эркинлигини, эътиқодининг эркинлигини таъминлашимиз керак”<sup>26</sup>.

Ҳеч бир халқ дунёда якка яшамайди, ёлғизликда ривожланмайди ҳам.

---

<sup>25</sup> “Маънавиятнинг ривожланиш тарихи”

<sup>26</sup> Ислам Каримов. Истиқлол ва маънавият. Т.-«Ўзбекистон»- 1994, б. 65-66.

Элат ва миллатлар доимо ўзаро турлича муносабатда бўладилар ва тарих давомида бир-бирларига таъсир ўтказиб, ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам маънавий бойитиб борадилар. Аммо ҳеч қачон, ҳеч бир халқ ўзлигидан буткул кечиб, бошқа халқ маънавияти ҳисобидан ўзини бойита олган эмас. Якка бир шахс буткул ўзга бир маънавий муҳитда тарбия топиб, унга тўлиқ мослашиши мумкин. Бу инсон табиатига хос нарсас. Аммо бир халқ тўлиғича ўзлигидан кечиб, ўзга халқ маънавий дунёсини қабул қилса, демак, ундай халқ йўқ бўлади, ўз маънавий қиёфасини йўқотган миллат йўқолган миллатдир. Шу сабабли ҳам миллий мустақиллик пойдеворини маънавий мустақиллик ташкил этади, деймиз. Миллий маънавиятнинг такомили эса ўша миллатга мансуб ҳар бир шахснинг маънавий камолоти билан бевосита боғлиқ ва ушбу заминга таяниб юксалади.

## **II Боб: Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов асарларида маънавият масаласига янгича ёндошувнинг шаклланиши.**

Биз одатда маънавият ҳақида, унинг маъно-мазмунини, ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида кўп гапирамиз. Лекин негадир аксарият ҳолларда кўпчилик маънавият ўзи нима, деган саволга аниқ ва лўнда жавоб беришга қийналади. Мен бундай ҳолатга ўз шахсий тажрибамда кўп бор гувоҳ бўлганман. Масъул раҳбарлик лавозимларига номзодларни танлашда ўтказиладиган суҳбат жараёнида уларнинг профессионал малакаси, билими, ташкилотчилиги, ҳаётий тажрибаси, инсоний фазилатлари билан бир қаторда маънавий савиясига ҳам алоҳида эътибор қаратаман. Ва кўп ҳолларда, маънавият ҳақида бериладиган саволларга ҳар хил, баъзан эса бир-бирига қарама-қарши, қандайдир ноаниқ, саёз жавобларни ҳам эшитишга тўғри келади. <sup>27</sup>

Авваламбор, ҳозирги вақтда маънавият масаласи нақадар ўткир ва ҳал қилувчи масалага айланиб бораётганини аксарият кўпчилигимиз ҳали ҳам чуқур тушуниб етганимиз йўқ. Яна такрор айтишга тўғри келади: маънавиятни йўқотсак, ўзимизни ва ўзлигимизни йўқотамиз. Маънавиятни юксалтирсак, ўз муродмақсадимизга етишда кучли мадад топамиз. Ҳозирги кунда ғоявий муҳолифларимиз, маънавиятимизга қарши кучлар аҳолимизга, айниқса ёшларимизга нисбатан ахборот хуружлари уюштиришга, "оммавий маданият" шаклидаги пухта ниқобланган таҳдид ва таъсирлар ўтказишга уринмоқда.

Ҳаммамизга аён бўлиши керакки, "ахборот асри" деб ном олган XXI

---

<sup>27</sup> Ислом Каримов «Юксак маънавият-енгилмас куч Т-2008. 176.

асрда ҳеч қайси давлат еки жамият ўзини темир девор билан ўраб яшай олмайди. Айни пайтда, аҳвол шундай экан, деб қўл қовуштириб ўтириш ҳам тўғри келмай-ди, бундай таҳдидларга жавобан, биз ҳам, содда бўлмасдан, зарур чора-тадбирларни кўришимиз керак.<sup>28</sup>

Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг уз йули туртта асосий негизга асосланади. Бу негизлар;

- 1) умуминсоний кадриятларга содиклик;
- 2) халкимизнинг маънавий меросини мустахкамлаш ва ривожлантириш;
- 3) инсоннинг уз имкониятларини эркин намаён килиши;
- 4) ватанпарварлик.

Инсон ҳаётида маънавиятни урни булганлиги учун иккинчи бандга купрок тухталамиз. Маънавият шундай кимматбаҳо меваки, у бизнинг кадимий ва навкирон халкимиз калбида бутун инсониятнинг улкан оиласида уз мустакиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган. Маънавият инсонга она сути. Ота намунаси ва аждодлар угити билан сингади. Она тилининг буюк ахамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни якин килиб жипслаштиради. Маънавият уз халкининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур били шва тушуниб етишга суянгандагина кудратли кучга айланади. Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллионлаб кишиларнинг тақдири билан шаклланган. Уни улчаб ҳам поёнига етиб ҳам булмайди. У-инсон учун бутун бир олам.<sup>29</sup>

Албатта, «маънавият» тушунчасининг илмий, фалсафий, адабий ёки оддий тилда ифодаланадиган кўплаб таърифларини келтириш мумкин. Умуман, ўзида жуда чуқур ва кенг қамровли маъно-мазмунни мужассам этган бу тушунчага ҳар қайси маърифатли инсон ўзининг фалсафий ёндашуви, сиёсий қарашлари ва эътиқоди, онгу тафаккуридан келиб чиққан ҳолда турлича таъриф ва тавсифлар бериши табиий. Шунинг учун ҳам бу масала бўйича илмий адабиётларда, кундалик матбуотда бир-биридан фарқ қиладиган фикр-мулоҳазаларни учратганда бундан таажжубланмасдан, уларни ҳар қайси муаллифнинг ўзига хос дунёқараши, мушоҳада тарзи ифодаси сифатида қабул қилиш ўринлидир.<sup>30</sup>

«Маънавият - инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча

<sup>28</sup> И.А. Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараккиёт йули» Тошкент-1992.

<sup>29</sup> И.А. Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараккиёт йули» Тошкент-1992. 60-63б.

<sup>30</sup> Ислом Каримов «Юксак маънавият-енгилмас куч Т-2008. 17б.

карашларининг мезонидир».<sup>31</sup> -деб таъкидлайди президентимиз И.А.Каримов.

Маънавият инсонга хаводек, сувдек зарур. Сахродаги инсон ҳар доим булоқдан чанкоғини босади. Худи шу каби инсон ҳам неча-неча азоб ва кийинчилик билан маънавият чашмасини излайди.

Маънавият – тақдирни эҳсони эмас. Маънавият инсон калбида камол топиши учун у калбан ва виждонан, ақл в кул билан меҳнат қилиши керак. Бу ҳазина инсонга умр бўйи барқарорлик бағишлайди, унинг қарашлари шунчаки бойлик орттириш йулида кун қуришга йул қуймайди, фожеалар вақтида оми саклаб қолади ва моддий кийинчилик вақтида иродани мустаҳкамлайди.

Маънавиятни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маблағни аяш уз келажакка болта уриш демакдир.<sup>32</sup>

Маънавиятнинг негизи ва маъно-мазмунини белгилайдиган асосий хусусиятлар, биринчи галда инсоннинг руҳий қоланиши ва қалбан улғайиши ҳақида гапирар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим.

Албатта, бу дунёда ҳалол ва пок яшашни ўзи учун ҳаётий эътиқод, олий мақсад деб биладиган одамлар қўпчилиқни ташкил қилади. Айнан ана шундай инсонлар ва уларнинг эзгу ишлари туфайли бу ёруғ оламда маънавият ҳамиша барқарор бўлиб келади.

Лекин, бундай олижаноб фазилатлардан бутунлай узок бўлиб яшайдиган, ҳаётнинг маъно-мазмунини ўзича талқин қиладиган шахслар ҳам оз эмас. Минг афсуски, улар ўзини худдики дунёнинг ҳақиқий эгасидек, бекаму қўст, бошқаларнинг ҳавасини тортадиган умр кечираётгандек, бахт қуши бошига қўнгандек ҳис қилишга уринади.

Халқимиз азалдан ўз маънавий қадриятлари ва диний эътиқодини юксак қадрлаб келган. Шунинг учун у энг мушкул дамларда ҳам ўзлигини йўқотмади. Мана шу Олий Мажлисга сайланган депутатларнинг катта бир қисми зиёлилар, ижодкорлар эканининг ўзи ҳам халқимизнинг маърифат аҳлига ҳурмат-эҳтироми натижасидир.<sup>33</sup>

Умуман олганда, инсоният тарихи маънавият - инсоннинг, халқнинг, жамият ва давлатнинг буюк бойлиги ва қуч-қудрат манбаи эканини, бу ҳаётда маънавиятсиз ҳеч қачон одамийлик ва меҳр-оқибат, бахт ва саодат бўлмаслигини яққол тасдиқлайди.<sup>34</sup>

Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар

<sup>31</sup> Ислои Каримов «Юксак маънавият-енгилмас қуч» Т-2008. 276.

<sup>32</sup> И.А. Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараккиёт йули» Тошкент-1992. 61-626.

<sup>33</sup> Ислои Каримов «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» Тошкент- 1995 426.

<sup>34</sup> Ислои Каримов «Юксак маънавият-енгилмас қуч» Т-2008. 306.

мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аجدодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.

Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз.

Шуни яна таъкидлаб ўтамизки, маънавият одамлар қалби ва онгига келажакка ишонч туйғусини олиб кириши, Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик, мардлик ва сабот-матонат, адолат ҳиссини тарбиялашга хизмат қилиши лозим.<sup>35</sup>

Дунё ўткинчи. Дўппини бир бор айлантиргунча орадан шитоб билан неча йиллар ўтиб кетади. Ўзлигини англаб етган, қалбига кулоқ солган ҳар бир инсон ўзига, мен бу фоний дунёда нима иш қилдим, яна қандай ишлар қилишга вақтим ва қурбим етади, деган саволни бериши керак. Ана шу савол инсон қалбини тозартиради, уни босавоб, эзгу ишларга чорлайди. Хуллас, маънавиятда инсоннинг иймони, эътиқоди, ахлоқи, ҳаётнинг маъносини қандай тушуниши, ички дунёси намоён бўлади. Ватан, халқ олдидаги бурчни англаш ҳам юксак маънавият белгисидир. Маънавий баркамол инсон - ўзининг савобли ишлари билан кечирган ҳаётидан рози кетади.<sup>36</sup>

"Ўзбекистон" нашриётида Президентнинг "Истиқлол ва маънавият" асари чоп этилди. Мазмун-моҳияти бошдан-оёқ маънавият муаммоларига қаратилган ушбу китоб мамлакатдаги маънавиятга доир фаолият учун дастуриламал вазифасини ўтади.<sup>37</sup>

Маънавият - узлуксиз ҳаракатдаги жараёндир. Фикр, тафаккур, ҳис-туйғу тиним билмаганидек, уларнинг маҳсули ўлароқ маънавият ҳам доимо ўзгариш ва янгиланишда бўлади. Маънавият деганда авваламбор одамни руҳан покланишга, қалбан улқайишга чорлайдиган, инсон ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйқотадиган кучни тасаввур қиламан.<sup>38</sup>

Демак, бизнинг вазифамиз, авваламбор, мана шу маънавиятимиз

<sup>35</sup> Ислом Каримов «Ўзбекистон 21 аср бўсағасида» Тошкент – 1997. 426.

<sup>36</sup> Ислом Каримов «янгиҗа фикрлаш ва ишлаш - давр талаби» 5-Том. Т-1996 346.

<sup>37</sup> Ислом Каримов Ўзбекистон ХХІ асрга интиломқда "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти, 2000 й.

<sup>38</sup> Ислом Каримов БИЗ КЕЛАЖАГИМИЗНИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗ БИЛАН ҚУРАМИЗ Том 7. 1999. 526.

сарчашмаларини ва бобокалонларимизнинг бой анъаналарини давом эттиришдир. Маънавиятимизни яратаётганларни: ёзувчилар, шоирлар, маданият ва санъат ижодкорларини, халқ талантлари ва иқтидорли ёшларни доимо қўллаб-қувватламоқимиз лозим. Бунинг учун харажатларимизни аямаслигимиз даркор.

Ислохотлар муқаррарлигининг Ғоят муҳим шарти бўлмиш аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳақиқатан ҳам асосий узлуксиз устувор йўналиш ҳисобланади.

Бозор ислохотларининг ҳамма босқичларида олдиндан ўтказиладиган кучли ижтимоий сиёсат Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг етакчи принципларидан биридир.<sup>39</sup>

## 2.1 Инсон ҳаётида маънавиятнинг ўрни ва аҳамияти.

Маънавият инсоннинг руҳияти билан боғлиқ. Инсон руҳияти, албатта, ташқи таъсирлар натижасида ўзгариб туради. Инсоннинг иқтисодий аҳволи, жамиятда тутган ўрни ва мавқеи унинг маънавиятига таъсир қилмай қолмайди. Аммо, барибир, маънавият ўз мустақил йўналишига эга. Масалан, инсон қанчалик бой, ўзига тўқ бўлса, шунчалик унинг маънавий камолоти юқори ёки, аксинча, паст бўлади, десак, ҳар икки ҳукмда ҳам янглишиб қоламиз. Алишер Навоий, Хожа Ахрори Валий, Махдуми Аъзам, Хожа Саъд Жўйборий каби алломалар ҳам маънавий баркамол, ҳам ниҳоятда бадавлат бўлишган. Шу билан бирга, дунё молидан юз ўгирган, умрини зоҳидликда ўтказган буюк алломаларимиз ҳам кам эмас. Аксинча, ниҳоятда зиёд мол-давлат соҳиби бўлган ҳолда маънавий камолотдан узоқ кимсалар, ёки на дунё молини, на маънавий камолотни қўлга кирита олмаган бечоралар ҳам ҳаётда учраб туришини ҳамма билади.<sup>40</sup>

Маънавият инсонни инсон даражасига кутарадиган асосларнинг асосидир. Маънавият инсонга инсонийлик мазмун-моҳиятини беради, уни акли расо, тафаккури кучли, ақл-идроки уткир, ҳар бир ишни олдиндан уйлаб, режалаштириб, оқибатини олдиндан билиб, сезиб амалга оширадиганмавжудотга, Аллохнинг энг кудратли бандасига айланишига, чуқсиз олқишлару офаринларга сазовор булишига сабаб бўлади. Маънавият-бу инсонга хос фазилатдир.

Инсон маънавият билан тирик. Инсон сувсиз, хавосиз яшай олмаганидек, маънавиятсиз, маданий-маънавий бўйликларсиз ҳам кун кура

<sup>39</sup> Ислон Каримов Биздан озод ва обод Ватан қолсин Тошкент - 1996

<sup>40</sup> М.Имомназаров, М.Лапасов, М.Собирова «Маънавиятшунослик» (Теория и история национальной духовности) Тошкент – 2012

олмайди.

Маънавият инсонга мшхиятгина эмас, балки муайян мақсад, келажакка ишонч билан бориш учун катта умид, куч-кудрат ҳам бахш этади. Инсон акли, гоя, кобилият, истеъдод сифатида шаклланган маънавият ётади.<sup>41</sup>

Сиёсат ва иқтисоднинг манбаси ҳам, мақсади ҳам ушбу фоний дунёдан ташқарида эмас. Инсон зоти бу синов дунёсига кириб келар экан, ундаги моддий вужуд иқтисодий эҳтиёжни туғдиради, ҳар бир тирик зот туғилгандан кейин кун кечириш ташвишига тушади. Сиёсат жамиятга оид тушунча, инсонлар жамияти шаклланган экан, унда турли шахслар, тоифалар манфаатларини қайсидир бир усулда мувофиқлаштириб туриш эҳтиёжи мавжуд. Ушбу эҳтиёж сиёсатни пайдо қилади.

Маънавият ҳам шу моддий оламда мавжуд, ундан ташқарида эмас. Аммо унинг ўзига хослиги шундаки, келиб чиқиш манбаси ҳам, олдига қўйган мақсади ҳам бу фоний дунё билан чекланмайди, боқийлик, абадият билан туташади. Шу маънода маънавият асли бақонинг фанода зухур этишидир. Маънавият инсон учун моддий эҳтиёж ҳам, сиёсий зарурат ҳам эмас, лекин моддий эҳтиёжларни ҳам, сиёсий муносабатларни ҳам мўътадил бир меёрда ушлаб турадиган буюк қудрат. Жамият ҳаётида маънавиятга эътибор сусайса, иқтисод соҳасида ҳам, сиёсат соҳасида ҳам ўпирилишлар юз бериши, ҳаётий мезонларга путур етиши мумкин. Маънавият, аввало, инсоннинг ўз моҳияти олдидаги масъуллигидир. Унинг моҳияти эса Борлик абадиятига дахлдор.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ўзининг юқорида тилга олинган янги китобида маънавиятга шундай таъриф беради: “Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”<sup>42</sup>. Бундай бекиёс ботиний қудрат эгаси учун ҳаётда ҳал қилиб бўлмайдиган муаммо йўқ. Шу сабабли юртимиз раҳбари ёш авлодни юксак маънавиятли қилиб тарбиялашга доимий равишда ва ғоят жиддий аҳамият қаратмоқда.

Олдин одамларга моддий бойлик бериш керак, кейин маънавият тугрисида уйлаш керак, дейдиганлар ҳақ бўлмаса керак. Маънавият – инсоннинг, халкнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йук жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. У нафакат кукна тарих, балки янги тарих ҳам бунинг куплаб мисолларини беради .

---

<sup>41</sup> З. Гофуров «маънавий юксалиш ва ҳукукий баркамоллик» II қисм Тошкент-2007. 116.б.

<sup>42</sup> Ислом Каримов «Юксак маънавият-енгилмас куч Т-2008

## 2.2 Алишер Навоий ижоди миллий маънавиятимиз қомуси сифатида.

Ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улуғ зотлардан бири - бу Алишер Навоий бобомиздир. Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир. Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўқки, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса.

Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир.

Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга аввало Навоий асарлари билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз.<sup>43</sup>

XIV аср 70-йилларидан минтақа сиёсий ҳаётида мўғуллар ҳукмронлиги тугаб, Темурийлар даври бошланди. Буюк Соҳибқирон Амир Темур таназзулга юз тутган ва парчаланган Чиғатой улусининг ўрнида ислом минтақасининг қалб қисмини ўз ҳудудига бирлаштирган улуғ салтанатни вужудга келтирди. Ғарбда Ироқ ва Сурия ерлари, Эрон, Афғонистон ва Марказий Осиё ўлкаларини деярли тўлиқ камраб олган бу мамлакат ислом минтақа халқларининг ягона сиёсий ҳудудга охирги марта бирлашуви бўлиб, Темур минтақа миқёсида нуфузга эга бўлган охирги давлат бошлиғи эди. Унинг давлатни бошқариш ва улус осойишталигини таъминлаш йўлидаги хизматлари ислом минтақа маданияти давлатчилиқ соҳасидаги ютуқларининг юқори чўққиси бўлди.

Бу давр минтақа адабий ҳаётида ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлди. Низомий ва Амир Хусравлар туркий элат вакили бўла туриб, форс тилида ижод қилган бўлсалар, энди туркий шеърият бутун минтақа ҳудудида ривож ола бошлади. Шерозда Ҳофиз Хоразмий шуҳрат қозонди. Ҳирот, Самарқанд,

---

<sup>43</sup> Ислом Каримов «Юксак маънавият-енгилмас куч Т-2008. 426.

Бухоро, Табриз, Хўжанд шаҳарлари, Ироқ, Кичик Осиё, Миср, Волгабўйи, Фарғона, Хоразм ўлкаларида туркий тилда ижод қилувчилар етишиб чиқа бошлашди.

Жами XV асрда ўтган 50 га яқин туркий шеърят намояндalари Навоий асарларида тилга олинадl ва шеърларидан намуналар берилadi. Айниқса, Султон Ҳусайн Бойқарo бу соҳада алоҳида хизмат кўрсатди. Алишер Навоийнинг баракали ижодий фаолиятида ушбу улуг туркий шеърят вакили ҳамда ҳомийсининг кўмаги ва далдаси катта аҳамиятга эга бўлди. Бу даврда Қутб ва Ҳайдар Хоразмийларнинг «Хамса» анъаналарини туркий шеърятга ёйиш ҳаракатлари, Саъдий «Гулистони», Аттoрнинг «Илоҳийнома» (Сайид Қосимий) ва «Мантиқ ут-тайр» (Гулшаҳрий) асарларининг таржима ва татаббулари, Насимийнинг юксак ирфоний шеърятl, Атоий, Саккокий, Гадоий, Лутфийларнинг девонлари, Хоразмий, Хўжандий, Амирий ва Сайид Аҳмад «Ишқнома»лари (Мухаббатнома», «Латофатнома», «Таашшукнома», «Дахнома»), Амирий ва Яқинийларнинг рамзий мунозаралари ва бошқалар туркий мумтоз шеърятни минтақа адабиётининг юксак поғоналарига кўтарган эди. Бу даврда Қуръоннинг қатор туркий тафсиллари, туркий тилда пайғамбарлар қиссаси, ахлоқий ва тарихий рисоалар, адабиётшуносликка оид асарлар яратилган эди.<sup>44</sup>

Алишер Навоий то охири асари бўлмиш «Маҳбуб ул-қулуб» ёзилгунга қадар ўзи ҳам «мажозий ишқ» деб ишлатиб келган ҳодисани умри ниҳоясида моҳиятан алоҳида икки турга фарқлаб, бирини «авом ишқи» ва иккинчисини «хавос ишқи» деб номлади. Шу билан Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун каби бошдан-оёқ пок туйғуларга йўғрилган «алоҳида фазилат эгаларига хос ишқ»нинг кўпчилик одатда кўзда тутадиган йигит-қиз орасидаги оддий «ошиқ-маъшук»ликдан ҳам, Олий ҳақиқатнинг мутлақ жамолига ошуфта тасаввуф аҳли интилишларидан ҳам бутунлай фарқ қилувчи мумтоз бир туйғу, алоҳида ҳолат эканлигини махсус таъкид этишга эришди. Сукрот тилидан «ҳақиқий ишқ» йўлида бир восита сифатида таъриф этилган «мажозий ишқ» аслида Навоий бадиият оламида мустақил ҳодиса сифатида ўзлигини намоён этди. Бу ҳодисанинг моҳияти шунда эдики, унда инсоннинг Олий ҳақиқатга, Ҳаққа, Борлиқнинг моҳиятига муносабати унинг ўзга инсонларга, атроф-воқелик, мавжуд жамиятга муносабати билан уйғунлик ҳосил қиларди. Бадиий ижод мазмунидаги мана шу теранликка эришиш йўли «мажоз тариқи» деб ном олди. Миллий маънавиятимиз такомилидаги ушбу энг юксак босқични алоҳида инсон маънавий камолоти жараёнига татбиқ этсак, уни биз бугунги тилда «меҳр маърифати» деб атаганимиз маъқул.

---

<sup>44</sup> М.Имомназаров, М.Лапасов, М.Собирова «Маънавиятшунослик» (Теория и история национальной духовности) Тошкент – 2012

“Авом” – 1) оми одамлар, Алишер Навоий наздида ижтимоий келиб чиқиши, бойлиги ва амалидан қатъи назар, ўзлигини англаб етмаган, маънавий савияси паст бўлган инсонлар, агар кимки ўзлигини англаб етмаган бўлса, ўзини еб-ичиб, “кайфи сафо қилиб” юришдан ортиққа арзитмаса – ҳануз у ҳақиқий шахс мақомига кўтарилмаган, оддий бир “худонинг маҳлуқи” даражаси қолиб кетган, бундай инсонларнинг жамлан-маси эса “халқ” эмас, “оломон” аталишга лойиқ бўлади. 2) кейинги даврларда юқори табақа вакиллари орасида “қора халқ”, паст табақа вакиллари маъносида ишлатила бошлаган.

“Хавос” – 1) хос кишилар, Алишер Навоий наздида ўзлигини англаб етган, яъни, ўзининг Борлиқ ҳақиқатига нисбатини тўғри англаб етиб, шунга яраша ҳаётий мезонларини белгилаб олган, ўз инсонлик бурчини теран идрок этиб, шунга яраша амал қилувчи юксак маънавиятли огоҳ шахслар, 2) XIX – XX асрларга келиб, оддий халқ тушунчасида юқори табақа вакиллари, беклар, аслзодалар, “зодагонлар” маъносида ишлатила бошлаган.<sup>45</sup>

Ишқни ижтимоий муносабатлар асосида кўришни орзу қилган шоир одамийликни ўзгалар ғамини ўзиникидек билишда деб тушунади:

Одами эрсанг демагил одами -  
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.

Бу машҳур байт «Ҳайратул аброр» достонининг 13-мақолатидан бўлиб, бу боб тўлиғича инсонларни «нафрасон», яъни ўзгаларга, халққа фойдаси тегадиган шахс бўлишга даъват этади. Алишер Навоий инсоннинг бу дунёда яшашдан асл мақсади ўзга инсонларга, эл- юртга фойдаси, нафи тегишда деб билади. «Мажоз тариқи» босқичи ислом минтақа маънавияти такомилининг энг олий поғонаси бўлиб, Тавҳид таълимотининг энг мукаммал талқини деб, қараш мумкин.

Алишер Навоий ижодида ўзининг энг мукаммал ифодасини топган ўзига хос дунёқараш, тафаккур тарзининг моҳияти, асл ўзагидир. Бу босқич ягона ислом минтақа маънавияти такомилининг қонуний якуни бўлиб, туркий тилда, ўзбек мумтоз адабиётининг бобоколони ижодида авж нуктага эришди. Бу дунёқарашни бутун ички мураккаблиги, кўлами ва теранлиги билан ўша давр шароитида фақат бадий адабиётда, бадий тимсоллар тили билангина ифодалаш мумкин эди. Зеро, «мажоз» тушунчаси ўзи бадий адабиёт тилининг асосий хусусиятига оиддир.

---

<sup>45</sup> М.Имомназаров, М.Лапасов, М.Собирова МАЪНАВИЯТШУНОСЛИК (Теория и история национальной духовности) Тошкент – 2012. 327-328б.

## Хулоса

Инсон учун энг кадрли нарса нима? Ҳаёт, чунки бизнинг барча кувончларимиз, бизнинг бутун бахтимиз, бизнинг жамики умидларимиз фақат ҳаёт билан боғлиқ. (Н.Г.Чернишевский)<sup>46</sup>

Ҳаётнинг маъноси деб онгли инсоннинг яшашдан кўзлаган мақсади, унинг умри, ҳаёт фаолиятининг умумий йуналишини англатувчи жараёнларга айтилади. Ҳаётнинг маъноси инсоннинг ўз олдига қўйган мақсади, ҳаётда кўзлаган манфаати ва белгилаган вазифаларида намоён бўлади. Инсон ҳаётининг маъноси — бу унинг ҳаётининг бутун бош йулидирки, кишининг конкрет мақсадлари ана шунга боғлиқ бўлади, Инсон фақат еб-ичиш, зурриёт қолдириш тирик эмас, меҳнат қилиш, жамиятда яшаш, ўзидан бошқа кишилар билан ижтимоий муносабатда бўлиш жараёнида у инсон сифатида шаклланади, ўсиб-унади, талант ва истеъдодларини намоён қилади. Рус шоири А. Блок: “Инсон ҳаётининг маъноси тиниб-тинчимаслик ва доимий ташвишдан иборатлигини тушунган одам калта фаҳмликдан қутулган бўлади”, — деган эди. Демак, инсон ҳаётининг маъноси дунёга келиб, униб-ўсиб, оила кўриб, фарзандларни тарбиялаб, ўзи, оиласи, Ватани, миллати, жамияти учун ижодий меҳнат қилиб, ўз умрини фаровон, гўзал, қизиқарли, мақсадга мувофиқ қилиб ўтказишдан иборат. Бинобарин, ҳаётнинг маъноси ейиш, ичиш, кийиниш, лаззатланишдан иборат бўлмай, балки буларга эришишлик учун яшаш, меҳнат қилиш, ижод қилишдан иборат. Ҳаётнинг мазмуни инсон ҳаётининг қандай кечганлигини ифодалайди. Инсон ҳаётининг мазмуни деганда инсоннинг

жамият ҳаётидаги ўз ўрни ва аҳамиятини белгиловчи бутун фаолияти (аввалги, ҳозирги ва келажакдаги) асосий мазмун англаш даражаси ҳамда унинг намоён бўлиш даражаси тушунилади.

Инсон ҳаётини жирканч йуналишга солиб юборишнинг йули куп, аммо энг ашаддийси—инсонни факат узини уйлаш, уз шахсига сизиниш, узида маънавиятнинг ҳар қандай тулкинини барбод этиш ва узининг сирли ҳаётини корин гамида юрилган барча вақт давомида бенаф бир кун утказиш даражасига тушуриб қуйилганига уни мажбуран кундиришдан иборатдир (М.Е.Салтиков).<sup>47</sup>

Маънавият инсонни инсон даражасига кутарадиган асосларнинг асосидир. Маънавият инсонга инсонийлик мазмун-моҳиятини беради, уни акли расо, тафаккури кучли, акл-идроки уткир, ҳар бир ишни олдиндан уйлаб, режалаштириб, оқибатини олдиндан билиб, сезиб амалга оширадиганмавжудотга, Аллохнинг энг қудратли бандасига айланишига, чуқсиз олқишлару офаринларга сазовор бўлишига сабаб бўлади. Маънавият—бу инсонга хос фазилатдир.

Инсон маънавият билан тирик. Инсон сувсиз, ҳавосиз яшай олмаганидек, маънавиятсиз, маданий-маънавий бўйликларсиз ҳам кун кура олмайди.

Маънавият инсонга мўҳиятгина эмас, балки муайян мақсад, келажакка ишонч билан бориш учун катта умид, куч-қудрат ҳам бахш этади. Инсон акли, гоё, қобилият, истеъдод сифатида шаклланган маънавият ётади.

Биз одатда маънавият ҳақида, унинг маъно-мазмун, ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида кўп гапирармиз. Лекин негадир аксарият ҳолларда кўпчилик маънавият ўзи нима, деган саволга аниқ ва лўнда жавоб беришга қийналади.

Инсониятни шу кунгача босиб утган мураккаб ривожланиш йули эзгу мақсадларга факат узлуксиз маънавий тарбия йули билан эришиш мумкинлигини исботлаб келган.

Зеро, маънавият—инсон ҳаётининг асоси, иродани бақувват қиладиган ва виждонини уйғотадиган бекиёс куч, барча дунёқарашларинингмезонидир.<sup>48</sup>

Авваламбор, ҳозирги вақтда маънавият масаласи нақадар ўткир ва ҳал қилувчи масалага айланиб бораётганини аксарият кўпчилигимиз ҳали ҳам чуқур тушуниб етганимиз йўқ. Яна такрор айтишга тўғри келади: маънавиятни йўқотсак, ўзимизни ва ўзлгимизни йўқотармиз. Маънавиятни юксалтирсак, ўз мурод-мақсадимизга етишда кучли мадад топармиз. Ҳозирги кунда гоёвий муҳолифларимиз, маънавиятимизга қарши кучлар аҳолимизга, айниқса ёшларимизга нисбатан ахборот хуружлари уюштиришга, "оммавий

---

<sup>47</sup> [www.O`zbekistonovozi.uz/](http://www.O`zbekistonovozi.uz/)

<sup>48</sup> [www.ziyouz.com/index.php?option=com-134](http://www.ziyouz.com/index.php?option=com-134)

маданият" шаклидаги пухта ниқобланган таҳдид ва таъсирлар ўтказишга уринмоқда.

«Ер юзида канча инсон, канча тақдир булса хар бирининг уз маънавий олами бор. Маънавиятни тушуниш, англаш керак. Шунинг учун ҳам узлигини, инсоний кадр-кимматани англаб етадиган хар кандай одам бу ҳақда уйламасдан яшабини тасаввур қилиш қилиш қийин»-деб, ёзади президентимиз И.А.Каримов «Юксак маънавият-енгилмас куч» асарида.

Зеро, маънавият – инсон ҳаётининг асоси, иродани бақувват қиладиган, виждонини уйғатадиган бекийс куч дедик, виждони уйғок бўлиб яшамас экан, унда инсон ҳаётининг кандай маъноси қолади???

### **Фойдаланилган адабиётлар руйхати**

1. И.А.Каримов «Юксак маънавият-енгилмас куч» Т-2008.
2. И.А.Каримов «Истиқлол ва маънавият». Т.-«Ўзбекистон»- 1994,
3. И.А. Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йули» Т-1992.
4. И.А.Каримов «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир»Тошкент1995
5. И.А.Каримов «Ўзбекистон 21 аср бўсағасида» Тошкент – 1997.
6. И.А.Каримов «Янгичафикрлаш ва ишлаш – давр талаби» 5-Том. Т-1996
7. И.А.Каримов «Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда» "Ўзбекистон" нашриёти, 2000 й.
8. И.А.Каримов «Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз» Том 7. Тошкент-1999.
9. И.А.Каримов «Биздан озод ва обод Ватан қолсин»Тошкент-1996
- 10.«Қуръони карим маъноларининг таржимаси». Т., 2001.
- 11.М. Имомназаров» Миллий маънавиятимиз асослари» Т-2006.
- 12.М.Имомназаров, М.Лапасов, М.Собирова «Маънавиятшунослик» («Теория и история национальной духовности») Тошкент - 2012
- 13.Абдуллашар «Ахлоқшунослик»
- 14.Э. Юсупов «Инсон камолотининг маънавий асослари». Т., “Университет”,1998,
- 15.С.Отамуратов, Ж. Раматов, С.Хусанов «Маънавият асослари» («Маърузалар матни»). Т. 2000,

- 16.Б. Зиёмуҳаммадов, С. Зиямуҳаммедова, С. Қодирова «Маънавият асослари». Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2000,
- 17.Гудзенко «Рус маънавияти». М., АИФ-Принт, 2006,
- 18.Э.Юсупов « Инсон камолотининг маънавий асослари».Т-1998
- 19.“Маънавиятнинг ривожланиш тарихи”
20. З. Гофуров «маънавий юксалиш ва ҳукукий баркамоллик» II қисм Тошкент-2007.

### **Internet saytlar**

1. [www.ziyouz.uz/](http://www.ziyouz.uz/)
2. [www.O`zbekistonovozi.uz/](http://www.O`zbekistonovozi.uz/)
3. [www.ziyouz.com/index.php?option=com-134](http://www.ziyouz.com/index.php?option=com-134)
4. [www.milliymanaviyat.uz/node/424](http://www.milliymanaviyat.uz/node/424)